

Ўзбекистон Республикаси

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Хунармандларга – солиқ имтиёзлари, арзон кредитлар ва «ноль» қийматда хусусийлаштириш

Президентнинг 17.11.2017 йилдаги ПФ–5242-сон «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Фармондан кўчирма «Норма маслаҳатчи»нинг 28.11.2017 йилдаги 48 (645)-сони ҳужжатлар пакетига чоп этилган) имзоланди.

Қаътий белгиланган солиқ ва сугурта бадаллари бўйича имтиёзлар

2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб хунармандчилик субъектлари – «Хунарманд» уюшмасининг аъзолари (кейинги ўринларда – хунармандлар):

хунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда қаътий белгиланган солиқдан озод этилади;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадали тўловидан озод этилади;

қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки 2 йили мобайнида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадалининг 50%ини тўлашади (ставка – ЭКИХнинг камида 1 баравари миқдоридан).

Бундан ташқари, хунармандлар касб-хунар коллежларининг махсус устaxonаларида хунармандчилик бўйича таълим бериш ҳуқуқига эга бўлишди. Улар билан яқка тартибдаги тадбиркорлар каби шартнома тузилади ва кўрсатилган хизмат бўйича солиқ ундирилмайди.

«Уста-шогирд» мактаби ўқувчиси сифатидаги иш даври 25 ёшга етгунга қадар ЭКИХнинг камида 2,5 ба-

равари миқдоридан сугурта бадали тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшилади.

Бу – муҳим! Доимий савдо жойларига эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи хунармандлар томонидан касса аппаратлари ва савдо терминалларида фойдаланиш, шунингдек, савдодан тушган нақд пул тушумини тижорат банкларида инкассация қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади.

Имтиёзли валюта режими

Хунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, шу жумладан, банк ҳисобварақларидан чет эл валютасини нақд шаклда ечиб олиш ҳуқуқи берилди.

Хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазма, танлов, ярмарка давомидида сотилган хунармандчилик маҳсулотлари экспорт шартномалари тузилмасдан амалга оширилиши мумкин, бунинг натижасида олинган даромад эса экспорт тушуми ҳисобланмайди.

Имтиёзли кредитлар

«Микрокредитбанк» АТБ, «Халқ банки» АТБ ва «Агробанк» АТБ хунармандларга 6 ой имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 2 йил муддатга, ЭКИХнинг 300 бараваригача миқдорда миллий валютада имтиёзли

микрокредитлар беришни бошлайди. Ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар харид қилишда имтиёзли микрокредитлар бўйича ставка Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50%ини, айланма маблағларни тўлдариш учун эса ушбу ставканинг 100%ини ташкил этади.

Эътиборли жиҳати шундаки, имтиёзли микрокредитлар пул маблағларини қарз олувчининг ссуда ҳисобрақамидан унинг тўлов топшириқномасига мувофиқ, ушбу Фармонда назарда тутилган мақсадлар учун тегишли ташкилот ёки jisмоний шахснинг талаби бўйича депозит ҳисобрақамига ўтказиш йўли билан кейинчалик ушбу ташкилот ёки jisмоний шахсга хизмат кўрсатувчи банк тариф сиёсатида мувофиқ, нақд пул олиш имконияти билан тақдим этилади.

Соддалаштирилган тартибда хусусийлаштириш ва давлат мулкни ижарага олиш

Хунарманд хусусийлаштириш дастури доирасида («ноль» харид қийматида) сотиладиган давлат мулки объектини олиш хоҳишини билдирган тақдирда, ушбу объект хунармандга баҳоланган қийматида (бошланғич инвестиция мажбуриятлари билан) очик савдоларга (танловга) қўйилмасдан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилади (берилади). Бир неча хунарманд бир объектни («ноль» харид қийматида) олиш истиғини билдирган тақдирда, ушбу объект белгиланган тартибда очик савдога (танловга) қўйилади ва унда фақат ушбу хунармандлар иштирок этади. Бунда ушбу объектлардан камида 5 йил мобайнида хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилиши лозим.

Хунармандларга давлат мулки объектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50%и миқдоридан белгиланади.

нинг ҳаққонийлиги устидан назоратни амалга ошириш функцияси юкланади;

➤ 2018 йил 1 январдан бошлаб «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази Вазирлар Маҳкамаси тасарруфидан «Ўзстандарт» агентлиги тузилмасига ўтказилади.

«Ўзпахтасаноат» АЖ пахта толаси, линт ва чигитни реализация қилади.

«Ўзпахтасаноат» АЖ пахта тозалаш корхоналарининг тайёр пахта маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва ўз вақтида етказиб бериш бўйича ишларини мувофиқлаштириш «Ўзпахтасаноат» АЖнинг минтақавий пахта терминаллари томонидан амалга оширилади.

Пахта толаси, пахта линти ва техник чигитни истеъмолчиларга реализация қилиш пахта тозалаш корхоналари билан тузиладиган воситачилик шартномалари орқали «Ўзпахтасаноат» АЖ томонидан амалга оширилади. Бунда ушбу турдаги маҳсулотларни биржа савдолари орқали реализация қилишнинг ўрнатилган тартибига риоя этилади.

«Ўзпахтасаноат» АЖ пахта саноати корхоналарига бошчилик қилади

Президентнинг 28.11.2017 йилдаги ПҚ-3408-сон қарори билан пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Эслатиб ўтамиз, илгари «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХКни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, пахта саноати корхоналарини бошқариш тизимини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун комиссия тузилган эди.

Юқорида кўрсатилган комиссия ишининг натижалари куйидагиларда намоён бўлади:

➤ «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХКнинг «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўзпахтаёғ» АЖ ва «Ўзпахтаэкспорт» АЖлари устав капиталдаги улушлари номинал қиймат бўйича давлат мулкига ўтказилади;

➤ «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХКнинг устав капиталига киритилган қолган активлар давлат улуши сифатида «Ўзпахтасаноат» АЖнинг устав капиталига баланс қиймати бўйича ўтказилади;

➤ «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК мол-мулкнинг қолган қисми баланс қиймати бўйича беғариз берилади, шунингдек, «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХКни кейинчалик тугатиш йўли билан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Ўзпахтасаноат» АЖга ўтказилади;

➤ «Ўзпахтаэкспорт» АЖ, «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиалларининг мол-мулкни баланс қиймати бўйича ўтказган ҳолда уларни «Ўзпахтасаноат» АЖга қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилади. «Пахтаасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларини қўшиб олиш жараёни якунига етказилмоқда;

➤ Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармасига унинг тузилмасида 20 бирликдан iborat тегишли бошқарма ташкил этган ҳолда пахта тозалаш корхоналарида ҳисобга олиш ва ҳисобот-

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

8-БЕТ

Маълумотлар базасидаги чигалликлар мавҳум қарзларни тўғдиради

Истасангиз, коммунал тўловларни мошингиздан ушлаб қолишади

Маҳсулотимизга товар белгиси қўймоқчимиз

2-бетда

Тошкентда нархларни барқарорлаштириш: маҳсулотлар кўпроқ бўлади ва фермерлар бозорларга тўғридан-тўғри киради

Вазирлар Маҳкамасининг 21.11.2017 йилдаги 927-сон «Тошкент шаҳар аҳолисини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Хужжат билан «Toshkent agro xahira xizmat» ДУКни ташкил этиш маъқулланди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги унинг муассиси бўлади.

Корхонанинг вазифалари, хусусан, Тошкент аҳоли-сига, жумладан аҳоли яшаш мавзеларига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш ва сотиш, ички истеъмол

бозорида маҳсулотлар нархларини барқарорлаштириш, шунингдек қиш ва баҳор мавсумида уларнинг сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олишдан иборат бўлади.

Етарли даражада маҳсулотлар захирасини етиштириш учун корхонага Тошкент вилояти Оҳангарон туманида («Бирлик», «Шодмалик», «Ғаллақудук» ва

«Дўстлик» массивлари: 1) қишлоқ хўжалиги фаолияти учун 10 минг гектардан кам бўлмаган ер участкалари; 2) чорвачилик фаолиятини амалга ошириш учун 20 минг гектардан кам бўлмаган ер участкалари ажратилади.

Ушбу ер участкаларидаги ишларда фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари маҳаллий туман ҳокимлиги, «Toshkent agro xahira xizmat» ДУК ва тадбиркорлик субъектлари (фермер хўжаликлари) ўртасида тузилган уч томонлама шартнома асосида иштирок этишлари мумкин.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрининг яшаш мавзеларида намунавий лойиҳадаги кичик енгил типдаги савдо дўконларини (дала дўконларини) ўрнатишга рухсат берилди. Уларда деҳқон ва фермер хўжаликлари ўзи етиштирган маҳсулотларни сотади.

Хужжат 25.11.2017 йилдан кучга кирди.

Қандай валюта операциялари учун Президент ёки Ҳукуматнинг қарори талаб этилади

Марказий банк Бошқаруви қарори (2017 йил 23 ноябрда 2536-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари рўйхатига резидентлар томонидан чет элдаги ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш киритилди.

Бундан ташқари, қуйидаги операциялар Президентнинг, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ёки халқаро шартнома мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши белгиланди:

10 минг АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлган суммада чет элда инвестиция фаолиятини амалга ошириш – резидентларнинг Ўзбекистон банкларидаги ҳисобварақларидан:

➤ чет элдаги корхоналарнинг устав капиталини шакллантириш (ёки улушли иштирок этиш);

➤ чет элдаги ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш учун чет элга маблағлар ўтказиш;

➤ мамлакатимиз резидентлари томонидан норезидентларга кредитлар ва пул, товарлар кўринишидаги қарзлар ҳамда лизинг объектларини бериш;

➤ резидентларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлардан маблағларни чет элдаги ҳисобварақларга (омонатларга) жойлаштириш ҳамда кўчмас мулкни сотиб олиш учун ўтказиш.

Дивидендларни валютада тўлашга ва тадбиркорларнинг валюта ҳисобварақларидан тўловларга рухсат берилди

Марказий банк Бошқаруви қарори (рўйхат рақами 511-9, 2017 йил 23 ноябрь) билан Тижорат банклари томонидан хорижий валютадаги ҳисобварақларни юритиш тартибига тузатишлар киритилди.

Эндиликда валюта ҳисобварақларида бўлган маблағлар ҳисобварақ эгасининг фармойишига кўра, шу жумладан дивиденд тариқасида ҳам тўланиши мумкин.

Тижорат банкларидаги тегишли ҳисобварақлардаги хорижий валютадан қуйидаги тарзда фойдаланиш мумкин:

➤ жорий халқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ тўловлар бўйича ўтказилиши;

➤ хорижий валютадаги операциялар бўйича банкнинг воситачилик ҳақини, ходимларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига жўнатилиши билан боғлиқ харажатларни (шу жумладан, нақд пул шаклида) тўлаш учун;

➤ кредитлар, қарз маблағлари, фоизлар ва бошқа даромадлар тўлови учун;

➤ қонунчиликда белгиланган тартибда юридик шахсларнинг устав фонди (устав капитал)ни шакл-

лантиришга доир харажатлар тўловини ўтказиш учун;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари орқали сотиш учун;

➤ қонунчиликда белгиланган ҳолларда носавдо тусидаги тўловлар бўйича ўтказилиши;

➤ ҳисобварақ эгасининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ҳисобварақларига ўтказиш учун;

➤ қонунчиликда белгиланган бошқа мақсадлар учун.

Бундан ташқари, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний шахслар ҳисобварақларидаги валютани товарлар (ишлар, хизматлар) импорти учун тўловга йўналтиришга рухсат берилди.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 24.11.2017 йилдан кучга кирди.

Айрим бюджет ташкилотларининг ҳисобот шакллари янгиланди

Молия вазирлигининг буйруғи (2017 йил 23 ноябрда 2837-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган бюджет ташкилотлари бўйича тармок, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги айрим чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари ўзгартирилди.

Хужжат билан қуйидаги бюджет ташкилотларининг тармок, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги янгиланган ҳисобот шакллари тақдим этилган:

➤ умумтаълим мактаблари ҳамда барча турдаги ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлари;

Самир Латипов, Олег Заманов, Лена Хикматова, «Norma Online» экспертлари.

УШБУ СОНДА	● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Янги ҳужжатларни тақдим этимиз 1-2-бетлар	– Сув учун олдиндан тўлаш керак бўлади – Янги намунадаги ҳисоблагичлар ҳар 10 йилда кўриқдан ўтказилади – Иш жойидан кетмай туриб коммунал хизматлар ҳақини тўлаш 3-6-бетлар	– Кўшма корхона хорижий корхонага айланди 7-бет	– Икки томоннинг розилиги билан ишдан бўшатиш 7-бет
	● БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ – Ҳисоб-китобларни солиштиришимиз – Қибрай «газга босди» – Янги субъект – мулкдор	● ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОЙДАЛАРИ – Устав фондини кўпайтириш жиҳатлари	● КАДРЛАР БЎЛИМИ – Анкета – шахсий тафсилотларсиз – Соғлиғи ҳолатига кўра – енгилроқ иш – Қандай қилиб дам олиш қуни ишга қабул қилиш мумкин	● ЖАВОБ БЕРАМИЗ – Шахсий автомобиль корхона хизматида – Товар белгисини рўйхатдан ўтказмоқчиман 8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга **ҲАҚАТ «NORMA» gazetalari birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.**



МУНДАРИЖА:

- ✓ Ҳисоб-китобларни солиштирамиз
- ✓ Қибрай «газга босди»
- ✓ Янги субъект – мулкдор
- ✓ Сув учун олдиндан тўлаш керак бўлади

- ✓ Янги намунадаги ҳисоблагичлар ҳар 10 йилда кўриқдан ўтказилади
- ✓ Иш жойидан кетмай туриб коммунал хизматлар ҳақини тўлаш



Долзарб масала

Ҳисоб-китобларни солиштирамиз

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси (Давлат рақобат кўмитаси, Кўмита) абонентларнинг газ ва электр энергияси учун низоли қарзларини солиштиришда Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига кўмаклашишга тайёр. Кўмитанинг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Дилшод Азимовнинг сўзларига қараганда, мавжуд бўлмаган қарзларни ҳисоблаш давом этмоқда ва фуқаролар коммунал хизматлар етказиб берувчилар уларнинг ҳуқуқларини поймол қилишларидан илгаригидек ҳимояланмаганлар.

– Вазият шундайки, деярли ҳар биримиз қарздор бўлиб чиқишимиз мумкин, қарз мавжуд эмаслиги тўғрисида етказиб берувчилар тақдим этган маълумотнома ҳам ноқонуний ҳисобланмалар маълумотлар базасидан чиқариб ташланганлигини кафолатлай олмайди, – дейди Дилшод Азимов. – Улар кўчмас мулкнинг олди-сотди битимларини расмийлаштиришдан тортиб мамлакатдан чиқишга бўлган турли вазиятларда қалқиб чиқади. Ҳисоб маълумотларининг ишончсизлигига сабаб ҳисобланмаларни автоматик тарзда амалга оширувчи дастурларнинг такомиллашмаганлиги, электр ва газ таъминоти ташкилотлари ходимларининг билимсизлиги ва ҳуқуқий нигилизми, илгари улбу тузилмалар вакиллари йўл қўйган суистеъмолчиликларда. Кўп-печта хусусий турар жойларда яшовчи ва газ ускуналарининг бир нечта нуқтасига эга бўлганларда муаммолар юзага келади.

Газ ва электр энергияси учун қарзни ундириш билан Мажбурий ижро бюроси бўлинмалари шуғулланадилар. Реал қарздорлик бўлмаган ҳолатларда уни сўндириш учун қонунчиликда белгиланган беш кун – жуда қисқа муддат. Абонент ёрдам сўраб Кўмитага мурожаат қилса ёки судга даъво аризаси берса, бу вақтни олади, иш кўриладиган бутун даврда уни етказиб берилаётган коммунал маҳсулотлардан узиб қўйишлари мумкин. Бу истеъмолчилар ҳуқуқларини бузишдир. Ҳозир иситиш мавсуми бошланди, фуқаролар ноқонуний ҳисобланмалар юзасидан кўп мурожаат қилишлари ва кейинчалик ундан узиб қўйишлари эҳтимол. Бундай қилишдан аввал муаммо юзага келмаслиги учун етказиб берувчиларнинг ахбороти ишончлилигини текшириш зарур.

*Тахририят истилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Истеъмолчилар йил сайин ҳуқуқларини поймол қилаётган коммунал хизматларни етказиб берувчилар билан илгаригидек мунозарара бормоқдалар. Низоли масалаларни ечиши билан ҳолис тараф шугулланиши лозим, Қўмита ана шундай тараф бўлиб чиқиши мумкин. Биз фуқароларнинг мурожаатлари устида ишлялпмиз, асоссиз қарзларга муносабат билдириш амалиётини ишлаб чиққанмиз. Улар қандай ва қай сабабга кўра шаклланишидан хабардормиз, уларни фош этишда ёрдам бера оламиз. Бугунги кунда Бюро ходимлари ҳам газ ва электр энергияси учун қарздорлиқни солиштирмоқдалар. Улар орасида собиқ коммуналчилар кўп. Улар абонент оғохлантириш хатида кўрсатилган суммани тўлашидан манфаатдор – моддий тақдирланишлари шунга боғлиқ. Илгари коммунал соҳа билан боғлиқ бўлмаган ёш ходимларга эса низоли, мавжуд бўлмаган қарзларни солиштиришда тажриба ва билим етишмайди. Биз буни қандай қилиб тўғри амалга ошириш хусусида уларга маълумот бера оламиз, ўта мураккаб масалаларни кўриб чиқишда кўмак беришга тайёрмиз.

Қўмитанинг Бюро билан ҳамкорчилик қилиш механизми қуйидагича бўлиши мумкин. Бюро низоли масалалар бўйича ахборотни Қўмитага юборади. Қўмита ходимлари уни ўрганиб, етказиб берувчининг ҳисоб маълумотлари ва истеъмолчи тақдим этган тўлов ҳужжатлари асосида солиштирув ўтказадилар. Сўнгра солиштириш далолатномаси тузилади, уни истеъмолчи, етказиб берувчи ва Қўмита вакиллари имзолайдилар.

Истеъмолчиға қарздорлик мавжуд эмаслиги ёхуд мавжудлиги тўғрисида маълумотнома берилади. Бюроға хулоса юборилади, у реал қарздорни узиб қўйиш учун асос ҳисобланади. Етказиб берувчи далолатнома асосида маълумотлар базасидан мавжуд бўлмаган ҳисобланмаларни чиқариб ташлайди. Иш судда кўрилади, суд органлари абонентнинг қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани Қўмитадан сўрайдилар.

Ушбу амалиёт Бухоро вилоятида муваффақиятли қўллаб келинмоқда. Давлат рақобат қўмитасининг Бухоро вилоятидаги ҳудудий бошқармаси Бюронинг вилоятидаги бўлини маси билан биргаликда ишламоқда. Шу йилнинг 9 ойи давомида «Ромитантумангаз», «Шофирконтумангаз», «Вобкенттумангаз» ва «Когонгаз» филиаллари иши ўрганилганда Қўмита бошқармаси ходимлари прокуратура ва Бюро билан ҳамкорликда 3,6 млрд сўм миқдоридаги газ истеъмоли учун қарздорлик ноқонуний ҳисобланганлигини аниқладилар. Солиштиришлар натижаларининг гувоҳлик беришича, аксарият ҳолларда газ ва электр энергияси учун сохта қарздорлик ҳисоблаб ёзилди, уларнинг йўқлигини исботлаётган истеъмолчилар ҳаққилар.

Тўғри, бу осон иш эмас, бироқ шу тариқа етказиб берувчиларнинг маълумотлар базалари ишончлигини таъминлаш, электр ва газ таъминоти хизматлари ягона биллинг тизимига ўтишни жадаллаштириш, истеъмолчилар шикоятлари сонини қисқартириш ва коммунал хизматлар ҳаққини виқдонан тўлаб келадиганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мумкин бўлар эди.



Бир қимоят изидан

Қибрай «газга босди»

Қибрай туманидаги хусусий турар жойда ёки кўп квартиралли уйда яшовчи ҳар бир мулкдор истеъмол қилинган газ учун қарздор бўлиб қолган кўринади. Ҳисобланмалар қаердан юзага келганлигининг тағига етиш учун тумангаз идорасида навбат кутаётганларни кўриб, шу ҳаёлингизга келиши ажаб эмас. Одамлар саҳарги соат 4 дан бошлаб навбат эгаллаб, тартиб учун дафтарда рўйхатга турмоқдалар.

– Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент вилоятидаги ҳудудий бошқармаси мутахассиси Аҳмад Абдураззоқов билан Қибрай тумангаз офисиға эрталаб соат 9 да келганимизда истеъмолчи 101-рақам остида ёзилди. Кеча эса эрталабки соат 8 да навбатда турганлар сони 157 кишидан ошган эди. Кун давомида у сезиларли даражада кўпайди. Шунча одам кечгача ҳам ўта олмаслиги маълум. Аҳолини тумангазнинг атиги 1 та ходими қабул қилаётган эди. У ҳам... монтер. Одамлар ишларини ташлаб, бир неча кундан буён газ таъминоти ташкилотига қатнаётдилар. Кеча ўта олмаганлар эрталабдан яна навбатга ёзилишларига тўғри келади. Улар орасида эса кекса кишилар жуда кўп.

Штатдан ташқари вазиятнинг муаммоси нимада? Тумангаз

ҳар ойда Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси туман бўлини масиға қарздорлар ҳақида ахборот беради. У ўз навбатида истеъмолчиларға қарздорлиқлари мавжуд эканлиги ва уни 5 кун мобайнида сўндириш зарурлиги ҳақида оғохлантириш хатларини йўллади. Акс ҳолда – газ таъминоти тармоғидан узиб қўйиладилар, тақроран улаш учун эса энг кам иш ҳақининг 2 бараварини тўлашларига тўғри келади*.

Тумангазда бўлган пайтимида идора раҳбарияти жойида йўқ эди. Навбат кутиб эзилган кишилар тўлов қитанцияларини кўрсатишарди. Деярли ҳамма олдиндан ҳақ тўлаб қўйган,



*Президентнинг 13.11.2017 йилдаги ПҚ-3384-сон қарори 18-бандига мувофиқ, 15.11.2017 йилдан бошлаб мажбур тартиб ўз қучини йўқотди.

қарздорлик йўқлиги ҳақида газчилар берган маълумотномалари қўлларида. 1,5, 2, 3, 4 млн сўмлик ҳисобланмалар қаердан пайдо бўлган?

Маълумотлар базасидаги тартибсизлик

Тумангазининг ҳисоб-китоб бўлимида масъул ходимлар умуман йўқлиги сабабли **монтер Мирсултон Аҳмедов** истеъмолчиларнинг қарзлари билан шуғулланаётган экан. Томонларнинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликни билишиданги нуқсонларни етказиб берувчи доим ҳақли деган гап билан беркитаётганига гувоҳ бўлдик.



Қибрай тумангаздаги мунозаралар.

Абонентлар базасидаги ҳисоб умуман бетартиб юритилган. Аксарият ҳисобланмалар сохта, бир неча йил – 8 ва ҳатто 10 йил аввалги қарзлар қайд этилган. Бюронинг огоҳлантириш хатида ва етказиб берувчининг маълумотлар базасида кўрсатилган қарздорлик миқдорлари мос келмаяпти.

Масалан, Н.Йўлдошевнинг қарзи йўқлиги тўлов қвитанциялари билан тасдиқланган. Бюро кўрсатмасида унинг 1 300 минг сўм қарзи борлиги қайд этилган, газчиларнинг базасидаги қарзи эса 300 минг сўмни ташкил этади. Қвитанцияга кўра ҳаммаси тўланган бўлса ҳам, етказиб берувчиларда 2008 йилнинг қайсидир даври учун тўлов қайд этилмаган. Шунга қарамай, **монтер** учун бу далил бўла олмади – сохта қарзни тўлашни талаб қилаверди. Бироқ, Чакана истеъмолчига табиий газ етказиб бериш шартномасида абонентда қарздорлик мавжуд бўлганда етказиб берувчининг ҳатти-ҳаракатлари механизми белгиланган. Бу истеъмолчини 10 кун давомида уни сўндириши зарурлиги тўғрисида ёзма равишда огоҳлантириши шарт. Тўламаган тақдирда – уни газ таъминоти тармоғидан узиб қўяди (айни пайтда ушбу тартиб ўзгарди). Агар шундай қилинмаган бўлса, демак, етказиб берувчининг ўзи қонунчиликни бузган. Тўлов қвитанцияси тўлов ҳужжати ҳисобланади, истеъмолчи ҳеч нимани исботлаши керак эмас – у газ ҳақини тўлаш мажбуриятини виждонан бажарган.

Б.Зайниддинов 2017 йил апрелда тумангазда қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома олган. Сентябрда газ учун

олдидан тўлов 1,5 млн сўмни ташкил этган. Шунга қарамай, Бюродан 1 500 минг сўм миқдоридagi ҳисобланмалар тўғрисида огоҳлантириш хатини олди. Солиштиришдан сўнг етказиб берувчининг маълумотлар базасидаги қарз 53 минг сўмни ташкил этди. У қаердан олинганлиги тушунарсиз. Етказиб берувчи қарз йўқлиги тўғрисида маълумотнома берган ҳодимдан бунинг сабабини сўраши керак, бироқ у ишдан бўшаб кетган экан. Демак, газчининг фикрича, истеъмолчи айбдор. Ҳар доимгидек, сигналган зўравонлик усули қўл келади.

Р.Жўраевнинг қўлида ҳам барча қвитанциялар ва қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома бор, ҳисобланмалар эса кўп эмас, кам эмас, 4 180 минг сўмни ташкил этади. С.Содиқов 2010 йилда газ ҳисоблағичини текширувдан ўтказдирган. Бироқ, Мирсултон аканинг сўзларига қараганда, гўё сертификат нусхасини тумангазга топширмаган. Кекса киши 8 йил аввал нима бўлганлигини эслай олмади. Батартиб қилиб тахланган бир неча йиллик қвитанцияларни, ўша машъум сертификатни ҳам кўрсатди. Бюронинг кўрсатмасига кўра у 1 122 минг сўм қарз. Етказиб берувчининг абонентлик базасида 500 минг сўмлик қарзи кўрсатилган. 8 йил ўтган, унга нисбатан ҳеч қандай даъво билдирилмаган. Демак, газчи рақибни текширув ўтказилганлиги далилини тан олганлар. Акс ҳолда уни ўтказиш зарурлиги ҳақида ўз вақтида огоҳлантириш хати йўллашлари керак эди. Абонент буни қилмаганида эса, Шартномага биноан ҳисобланмалар ёзила бошлар эди. Бу ҳам етказиб берувчи томонидан қонунбузарликка йўл қўйилганлигини кўрсатади.

Монтерни қувонтирадиган воқеа ҳам рўй берди – охири ҳисобланмалар асосли ёзилган истеъмолчига тўқнаш келдик. Ҳисоблағич назорат тартибида кўриқдан ўтказилганда у нотўғри ишлаётгани аниқланди. Юз фоиз носозлигини Ўз-стандарт лабораторияси тасдиқлади. Аҳмедовнинг сўзларига қараганда, бундай далиллар етарлича топилади.

Ўтган кунлар солномаси

Мирсултон акадан нореал қарзлар қаердан олинишини, навбат кутишининг сабабини сўрадим. Бунга очикчасига жавоб берди: «Илгари тумангаз ходимларининг маълумотлар базасига ноқонуний аралашганида. Инсофли истеъмолчиларга катта суммадаги сохта қарзлар ёзилиб, реал қарздорлардан эса қонунга хилоф равишда ҳисобдан чиқарилган. Бу ходимлар жазоланди, базани эса ҳанузгача тартибга сола олмаймиз». Бошқача айтганда, истеъмолчилар аввалги хатоликлар мевасини тотмоқдалар.

Яна бир муаммо. Абонентлар базаси ҳар ой янгиланиши керак. Қибрай тумангаз идорасига борганимизда етказиб берувчи 2017 йил май ойидаги, яъни ярим йил аввалги ҳисоб маълумотларидан фойдаланаётган эди. Демак, ярим йил ичида газ ҳақини тўлаган абонентлар шунча пайтдан буён қарздор сифатида қайд этилмоқдалар, ўзлари идорага келиб маълумотларни солиштиришлари керак. Аҳмедовнинг айтишича, тумангаз идорасида маълумотлар базасини мунтазам янгиллаб туриши керак бўлган оператор йўқ. Илгари улар олти киши эди, эндиликда уларни қисқартирганлар. Улар суиистеъмолчиликларга йўл қўйган кўринади. Бу ҳам

нотўғри иш. Туман тузилмасида биронта инспектор йўқ, 3 нафар уста бор. Қибрай туманида 45 960 та абонент мавжуд. Кети узилмайдиган навбатлар, абонентларнинг қарзлари билан монтер шугулланишининг сабаби ана шунда. У лавозим мажбуриятлари бўйича бунга ҳақлими деган савол туғилади.

Газ таъминоти ташкилотлари ходимларининг қўшиб ёзишлари оқибатида давлатга улкан зарар етказилган. Содир этган ҳуқуқбузарликлари учун кўпчилик жиноий жавобгарликка тортилди. Бутун республика бўйича газ ҳисобини юритувчи ва реализация қилувчи 4 255 штат назоратчиси ишдан бўшатилади. Ахир ана шу даражада ҳам катта суиистеъмолчиликлар қилинган, улар абонентлар базалари тўғрилигига таъсир кўрсатгани шубҳасиз. Оқибатда нимага эришилди? Уларни ишдан бўшатиб қўяқолдилар, истеъмолчилар эса ҳанузгача ўша бўғиннинг айбини ёлмоқда. Маълумотлар базасидаги чалқашлик ва тартибсизлик сабабини нима учун улардан сўрамаслик керак?

Қибрай тумангаз ва бошқа жойлардаги идораларда юзага келган вазиятда давлат ва истеъмолчилар зарар кўрган тараф ҳисобланади. Бугунга келиб бунга реал баҳо берилган, бироқ истеъмолчиларга зугум ўтказишда давом этмоқдалар. Ахир маълумотлар базаси солиштирилмоқда, унда кўп ҳолларда мавжуд бўлмаган, қўшиб ёзилган қарзлар қайд этилган. Абонент унинг ҳуқуқларини мунтазам равишда поймол қилган ўша тузилмага боради. Ҳар бир истеъмолчига эҳтимолий қонунбузар сифатида қарашларига яна гувоҳ бўлади. Такроран исботлаши, ўзини оқлаши, газчиларнинг илгариги фирибгарликлари сабабли навбат кутишига тўғри келади.

Мажбурий ижро бюросининг Қибрай туманидаги бўлинмасида ҳам газ учун қарздорликлар солиштирилмоқда, аслида бу унинг асосий вазифаси эмас. Эслатиб ўтамиз, ушбу тузилмага газ ва электр энергияси учун дебиторлик қарзини қисқартириш мажбурияти ҳам юкланган. Бу ерда абонентларни 2 киши қабул қилар, навбат камроқ, тартиблироқ эди. Қабул



Қибрай Мажбурий ижро бюросида қарзларни солиштириш.

қилишдан ташқари, Бюро ходимлари хусусий турар жойлар ва квартираларни айланиб чиқиш йўли билан табиий газ истеъмолчиларини инвентарлашдан ўтказмоқдалар. Мақсад ўша – тумангаз собиқ таркибининг суиистеъмолчиликлари туфайли ишончсиз бўлган маълумотлар базасини тартибга келтириш.

– Тўғри, буларнинг бари тўловдан қарзи бўлмаган фуқароларнинг эътирозига сабабчи бўлиб, ноқулайлик туғдирмоқда, – дейди **Бюронинг Қибрай туманидаги бўлинмаси бошлиғи Алишер Назаров**, – бироқ ўзга чорамиз йўқ. Тумандаги Бюронинг 4 ойлик фаолияти давомида 7 млрд сўмлик ноқонуний қарздорликлар фож этилди. Бу ишни йил охиригача якунлашни мўлжаллаяпмиз. Туманда хусусий турар жойлар кўп, уларнинг 2–3 нуктасида газ ускуналари бор, шу сабабли ҳисобланмалар миқдори катта. Реал қарзларни сўндиришга 5 кун муҳлат берилади. Улар сохта бўлиб, абонент бунини исботлаши учун вақт талаб этилса, у бизга мурожаат қилиши керак. Бундай ҳолларда истеъмолчиларни ана шу даврда гаддан узиб қўймаймиз.



Хориж тажрибасидан

Янги субъект – мулкдор

РФ ҳукумати кўп квартирали уйда машина жойи сотиб олинганда умумий мол-мулкка бўлган умумий мулк ҳуқуқидаги улуш ҳам мулкдорга ўтиши назарда тутилган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

«Россия Федерацияси ҳукумати қонун лойиҳасида таклиф этилаётган кўп квартирали уйдаги хоналар мулкдорлари ҳуқуқларининг тартибга солинишини асосли деб ҳисоблайди. Шу билан бирга РФ ФКга янги субъект – машина жойи мулкдори киритилиши унинг ҳуқуқ ва мажбу-

риятлари комплекс равишда белгиланишини талаб этади, сабаби Кодекснинг хоналар мулкдорларига тегишли барча қоидаларини ҳам машина жойлари мулкдорларига нисбатан қўллаб бўлмайдиган, – дейилади Вазирлар Маҳкамаси хабарида.

Айрим қонун ҳужжатларига машина жойлари мулкдорлари кўрсатилган қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Манба: «Новости» Россия ахборот агентлиги.



Қонунчиликдаги янгиликлар

Сув учун олдиндан тўлаш керак бўлади

Президентнинг 16.11.2017 йилдаги ПФ-5241-сон Фармони билан сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Хужжат билан Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига қўшимча вазифалар юклатилди:

➤ сувдан ноқонуний фойдаланиш, водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчилик билан улашиш ҳолатларини аниқлаш, бартафати этиш ва олдини олиш;

➤ сув учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ўндирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

➤ сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий этиш жараёнини мониторинг қилиш;

➤ суви сотиш ва истеъмол қилишнинг ҳисобини юритишда иштирак этиш.

1.01.2018 йилдан бошлаб сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тарифлар янгиланади.

Шу билан бирга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларининг

янги тартиби жорий этилади. 2018 йил бошидан бошлаб барча гуруҳ истеъмолчиларига сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш 100%лик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Ҳақини олдиндан тўламаган истеъмолчиларга нисбатан белгиланган тартибда сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади. Илгари узиб қўйилган истеъмолчиларни қайта улаш учун тўлов ўндирилади:

➤ I гуруҳ истеъмолчиларидан – ЭКИХнинг 2 баравари;

➤ II ва III гуруҳ истеъмолчиларидан – ЭКИХнинг 10 баравари.

Маълумот учун: I гуруҳга ўз уйи ва кўп хонадонли уйлар хонадонларида яшайдиган жисмоний шахслар; II гуруҳга – иссиқлик таъминоти ташкилотлари ва водопровод-канализация ҳўжалиги ташкилотлари, иборавий уй-жой фонди ва Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотларнинг ётоқхоналари, бюджет, диний ташкилотлар, элчихоналар ва дипломатик ваколатхоналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ХУМШ; III гуруҳга – I ва II гуруҳга кирмаган ташкилотлар қиради.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 15.11.2017 йилдан кучга кирди.

Янги намунадаги ҳисоблагичлар ҳар 10 йилда кўрикдан ўтказилади

Президентнинг 13.11.2017 йилдаги ПҚ-3384-сон қарори билан электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этишга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Камида 2 млн дона янги намунадаги ҳисоблагичлар ўрнатиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун «Sagelcom» (Франция), «Elster GmbH» (Германия) ва «Toshelektroapparat» МЧЖ ХК (Ўзбекистон) компанияларидан 2 млн дона электр энергияси ва газни ҳисобга олиш ускуналари харид қилинади.

Бунга Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ орқали 10 йил муддатга кредит кўринишида маблағлар ажратади.

Изоҳ. Хужжатда охириги истеъмолчи янги ҳисоблагичлар ўрнатишнинг учун тўловни амалга ошириши позимлиги масаласи бевосита тартибга солинмаган.

Ҳисобга олиш ускуналарини пломбалаш «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ходимлари томонидан амалга оширилади. Мазкур ускуналарни кўрикдан ўтказиш ишлари эса ҳар 10 йилда амалга оширилади. Истеъмолчидан давлат кўригидан ўтказиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа ишларни бажариш учун ечиб олинган ҳисобга олиш ускунасининг ўрнига зудлик билан

«Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ маблағлари ҳисобидан бошқа кўрикдан ўтган ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилади.

Республика ҳудудига лойиҳанинг техник параметрлари ва мос келмайдиган ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни олиб кириш ва ўрнатиш таққиланади.

Президентнинг қўйидагиларни белгилловчи 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2907-сон қарори ўз кучини йўқотган деб топилди:

➤ 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб газ таъминоти маҳаллий объектларини хусусий операторларга ишончли бошқарувга топшириш;

➤ шу санадан бошлаб етказиб берилган табиий газ учун қарзи бўлиб, тармоқдан узиб қўйилган истеъмолчилардан газ таъминоти тармоқларига қайта улашиши учун ЭКИХнинг 2 баравари миқдорига тўлов ўндириш;

➤ маиший истеъмолчиларга табиий газни ҳисоблаш замонавий электрон ускуналарини харид қилиш, ўрнатиш ва кейинчалик хизмат кўрсатиш «Ўзтрансгаз» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 15.11.2017 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, Самир Латипов, «Norma Online» экспертлари.



Қарзсиз яшаш

Иш жойидан кетмай туриб коммунал хизматлар ҳақини тўлаш

Ҳаммага маълумки, истеъмолат қилинган коммунал хизматлар (совуқ ва иссиқ сув таъминоти, сув чиқариш, электр, газ ва иссиқлик таъминоти, маиший чиқиндиларни олиб чиқиш) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш зарур. Ишловчи фуқаролар иш жойларини тарк этмай туриб коммунал тўловларни тўлашлари мумкин. Бундан қандай қилиб ўз вақтида амалга ошириш мумкинлигини, қайси ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни ҳисобда қай йўсинда акс эттириш кераклигини «Norma Ekspert» мутахассисларининг тушунтиришлари орқали билиб оласиз.

Шуни қайд этиб ўтамизки, иш берувчи ходимнинг ёзма розилиги билан ёки, масалан, суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун бундай розилик бўлмаган тақдирда ҳам, коммунал хизматлар ҳақини меҳнат ҳақидан

ушлаб қолиши мумкин (МҚНинг 164-моддаси). Корхонанинг ушланмаларни расмийлаштириши ушбу асосларга боғлиқ. Эҳтимолий вазиятларни кўриб чиқамиз.

Аризага биноан

Ходимнинг розилиги билан коммунал тўловларнинг ушлаб қоплиниши Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 15.05.2001 йилда 1031-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Ходим коммунал хизматлар учун бевосита иш ҳақидан ҳақ тўламоқчи бўлса, ёзма ариза беради. Унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: шахсий ҳисобварағи, коммунал ташкилот реквизитлари, хизматлар тури ва қиймати, ушланма амалга оширилиши зарур бўлган давр (Низомнинг 3-банди). Аризани корхона раҳбари ёки ваколатли шахс имзолаган бўлиши керак.

Ушланмалар суммаси тўлов пайтида аҳоли учун белги-

ланган тарифлар бўйича (ҳисоблагичга кўра ёки у бўлмаганда – ойига 1 киши учун) ҳисобланади. Тўлов бир марта ёки ҳар ойда амалга оширилиши мумкин. Иккинчи ҳолатнинг вариантлари мавжуд:

1) тўлов суммасини олдиндан (масалан, ҳисоблагич бўлмаганда – кишилар сони ва амалдаги тарифдан келиб чиқиб) аниқлаш мумкин бўлса ёки олдиндан тўлов тўланаётган бўлса, аризада қатъий белгиланган суммани дарҳол кўрсатиш ва ойлари санаб ўтиш мумкин;

2) тўлов суммаси олдиндан маълум бўлмаса (масалан, ҳисоблагич кўрсаткичларига биноан тўлаганда), аризада жорий ой учун тўловнинг аниқ суммаси бухгалтерияга тегишли ариза топшириш йўли билан қўшимча равишда кўрсатилишини қайд этиш лозим.

МИСОЛ. Ходим ҳисоблагич бўлмаганда 3 киши учун 2 ойга (октябрь ва ноябрь) совуқ сув учун ҳақ тўлаяпти. 1.10.2017 йилга келиб аҳоли учун ойига 1 кишига совуқ сув таъминоти тарифлари 5 972,31 сўм миқдорида белгиланган. Ходим берадиган ариза қуйидагича бўлиши мумкин.

«Кафолат» МЧЖ директори
Норбеков А.А.га
«Кафолат» МЧЖ технологи
Низов Р.О.дан,
қуйидаги манзилда яшовчи:
Тошкент ш., Учтепа тумани,
Г-9А-мавзе, 35-уй, 5-кв.

Ариза

2017 йил октябрь-ноябрь ойлари учун 3 кишига белгиланган тариф бўйича 35 833,86 сўм миқдоридаги (5 972,31 x 2 x 3) совуқ сув ҳақини 2017 йил октябрь ойи учун меҳнат ҳақидан ушлаб қолишингизни ва кўрсатилган суммани Тошкент шаҳар «Сувос» трестидан 3-101-105-шахсий ҳисобрақамимга ўтказишингизни сўрайман (Ипотте-кабанкнинг Меҳнат филиалидаги ҳисоб-китоб счёти – 2021000500101499015, МФО – 00423, СТИР – 201052713).

Низов Р.О.

Тўловлар ҳисоблагич кўрсаткичларига биноан ҳисобланган бўлса, аризада унинг маълумотларини кўрсатиш лозим. Бу ҳолда ариза қисми қуйидагича бўлади:

«2017 йил ноябрь ойидаги 25 куб метр учун 1 куб метрга белгиланган тариф (500 сўм) бўйича 12 500 сўм миқдоридаги (25 x 500) совуқ суё ҳақини 2017 йил ноябрь ойи учун меҳнат ҳақимдан ушлаб қолишингизни сўрайман. Ҳисоблагич кўрсаткичи 1.11.2017 йилда – 485 куб метр, 1.10.2017 йилда – 460 куб метр.

Кўрсатилган суммани Тошкент шаҳар «Сувсоз» трестидagi 3-101-105-шахсий ҳисобрақамимга ўтказишингизни сўрайман (Ипотекабанкнинг Меҳнат филиалидаги ҳисоб-китоб счёти – 20210000500101499015, МФО – 00423, СТИР – 201052713)».

Ходимнинг аризаси ушлаб қолиш учун асос ҳисобланади. Бухгалтерия ушлаб қолинганд суммани ҳисоблаб, коммунал ташкилот счётига ўтказиши учун у олдиндан топширилган бўлиши лозим. Тўлов топшириқномасининг тўлов тафсилотларида ходим ҳақидаги маълумотлар (Ф.И.О., шахсий

ҳисобрақами, манзили), хизмат тури кўрсатилади. Маблағлар ўтказилганидан кейин ходимга корхона бош бухгалтери имзо чеккан тўлов топшириқномасининг нусхаси ва коммунал тўловлар тўланганини тасдиқлайдиган маълумотнома топширилади (1031-сон Низомнинг 6, 8-бандлари).

«Кафолат» МЧЖ

(корхонанинг бурчакли штампин)

ёки фирма бланкаси

Ходим коммунал тўловларни тўлаганлиги ҳақида
МАЪЛУМОТНОМА

«Кафолат» МЧЖ технологи Нийёзов Р.О.га, қуйидаги манзилда яшовчи: Тошкент ш., Учтепа тумани, Г-9А-мавзе, 35-уй, 5-кв., шу ҳақда берилдики, топширилган аризага биноан 2017 йил октябрь ойи учун меҳнат ҳақидан 2017 йил октябрь-ноябрь ойлари учун 3 кишига 35 833,86 сўм миқдоридаги (5 972,31 сўм x 2 ой x 3 киши) совуқ суё ҳақи ушлаб қолинди ва 3.11.2017 йилдаги 8-сон тўлов топшириқномасига асосан (нусхаси илова қилинмоқда) абонентини Тошкент шаҳар «Сувсоз» трестидagi (Ипотекабанкнинг Меҳнат филиалидаги ҳисоб-китоб счёти – 20210000500101499015, МФО – 00423, СТИР – 201052713) 3-101-105-шахсий ҳисобрақамига ўтказилди.

Бош бухгалтер М.З.Лепко.

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлганда).

Ихтиёрий тўловчилар бир нечта бўлса, тўловни битта тўлов топшириқномаси билан ўтказиш мумкин. Бунда тўлов тафсилотларида «Ходимларнинг иш ҳақидан коммунал тўловлар ушланиши» ёзуви қайд этилади, топшириқномага эса

ходимларнинг фамилия ва инициали, уларнинг яшаш жойи, коммунал хизматлар тури кўрсатилган реестр илова қилинади (Низомнинг 5-банди). Реестрнинг иккинчи нусхаси коммунал ташкилотга йўлланади.

МИСОЛ. Корхона бухгалтериясига турли туманларда яшовчи ходимлардан коммунал хизматлар ҳақини ушлаб қолиш тўғрисида 2 та ариза келиб тушди. Келтирилган (шартли) шаклдаги реестр хизмат кўрсатувчи банкка ва корхона жойлашган жойдаги тегишли коммунал ташкилотга йўлланади.

2017 йил октябрь ойи учун
коммунал хизматлар ҳақини тўловчи ходимларнинг
1-сон РЕЕСТРИ

Т/р	Ходимнинг Ф.И.О.	Манзили (шаҳар, туман, даҳа, мавзе, кўча, уй, квартира)	Коммунал хизматлар тури	Коммунал ташкилотнинг ҳисоб-китоб счёти	Абонентнинг шахсий ҳисобрақами	Сумма, сўм	Давр
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Нийёзов Р.О.	Тошкент ш., Учтепа тумани, Г-9А-мавзе, 35-уй, 5-кв.	Суё таъминоти (совуқ суё)	Ипотекабанкнинг Меҳнат филиалидаги 20210000500101499015	3-101-105	35 833,86	2017 йил октябрь- ноябрь
2	Сарқисян А.Э.	Тошкент ш., Миробод тумани, Меҳрижон кўч., 11-уй	Суё таъминоти (совуқ суё)	Ипотекабанкнинг Меҳнат филиалидаги 20210000500101499015	3-171-120	20 000	2017 йил октябрь
	Жами					55 833,86	

Тўловчилар битта туманда яшасалар, бевосита уларнинг туман коммунал ташкилотларига реестр йўлланиши мумкин.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Талабга биноан

Коммунал хизматлар учун қарздорлик мажбурий тартибда ундирилиши мумкин («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 64-моддаси). Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг талабномаси (тақдимномаси) асосида етказиб берилган энергия ресурслари (электр энергияси ва табиий газ) учун қарздорлик ундирилади (29.05.2017 йилдаги ПФ-5059-сон

Фармоннинг 4-банди). Президентнинг 16.11.2017 йилдаги ПФ-5241-сон Фармони 2-бандига мувофиқ, мазкур тартиб сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ҳам татбиқ этилади.

Бюро етказиб берилган энергия ресурслари ва сув учун қарздорлиқни қарздор ходимларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисидаги талабномаларни уларнинг иш берувчиларига йўллайди, улар ижро этиш учун мажбурий саналади. Бюро талабномасига кўра ушланма суммаси ЭКИХнинг 2 бараваридан, яъни 1.12.2017 йилгача – 299 550 сўмдан (ЭКИХ миқдори 149 775 сўм бўлганда), 1.12.2017 йилдан эса – 344 480 сўмдан (20.11.2017 йилдаги ПФ-5245-сон Фармонга мувофиқ, ЭКИХ миқдори 172 240 сўм бўлганда) ошмаслиги керак. Талабномада қарздорнинг Ф.И.О., ушланма миқдори ва ундирувчининг реквизитлари (номи, манзили, ҳисоб-китоб счёти ва б.) кўрсатилади (АВ томонидан 8.07.2009 йилда 1980-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидаларнинг 6-банди).

Ушланма суммалари бўйича чекловлар МКнинг 164-моддасида ҳам белгиланган – иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинанидан ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг 50%идан ортиб кетмаслиги лозим.

Ҳисоб ва ҳисобот

Ходимларнинг коммунал хизматлар олдидаги мажбуриятлари юзасидан улар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳисоби 4790-«Ходимларнинг бошқа қарзлари» счётида юритилади.

Коммунал тўловлар учун ушланмалар ҳисоби		
	Дебет	Кредит
Ходимларнинг коммунал хизматлар учун қарзи акс эттирилди	4790-«Ходимларнинг бошқа қарзлари»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Ходимларнинг коммунал хизматлар учун қарзи ушлаб қолинди	6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашиш»	4790-«Ходимларнинг бошқа қарзлари»
Ходимларнинг коммунал хизматлар учун қарзи ўтказилди	6990-«Бошқа мажбуриятлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Ушлаб қолинган сумма Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинанидан даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларга 1-илова «Тўланган даромадлар ва ўтказилган жисмоний шахслардан олинанидан даромад

солиғи ҳамда ШЖБПХга бадаллар суммасининг расшифровкаси (бундан дивидендлар ва фойизлар мустасно)» 6 ва 7-устунларида пул маблағлари ўтказилган санада акс эттирилади (АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

МИСОЛ. Ходим берган аризага асосан корхона 2017 йилда ҳар ой унинг меҳнат ҳақидан 4 кишига маиший чиқиндиларни олиб чиққанлик учун тўловни ушлаб қолиб, «Махсустранс» счётига ўтказишди. Тўлов суммаси тўлаш пайтида амалда бўлган тариф бўйича ҳисобланади (январдан августгача – 1 кишидан 3 200 сўм, сентябрдан бошлаб – 3 500 сўм) ва 2017 йил январдан августгача 12 800 сўмни (3 200 х 4), сентябрдан – 14 000 сўмни (3 500 х 4) ташкил этади. 2017 йил III чораги учун Маълумотларга Расшифровкада коммунал тўловлар ушлаб қолинанидан даромадлар 2 ва 3-устунларда ҳисобланган даромадлар умумий суммасида (ҳисоблаш санасида), коммунал хизматлар учун тўлов ушлаб қолиниши эса – 6 ва 7-устунларда ўтказиш саналари бўйича акс эттирилади:

3.07.2017 йил – 12 800 сўм (июнь учун);

3.08.2017 йил – 12 800 сўм (июль учун);

4.09.2017 йил – 12 800 сўм (август учун).

3.10.2017 йилда ўтказилган сентябрь учун тўлов (14 000 сўм) ҳисобот диварига (июнь–август) кирмайди, у IV чорак учун Маълумотларга Расшифровкада акс эттирилади.

МЧЖ устав фонди камайтирилгандан кейин қанча вақт ўтгач унинг миқдорини кўпайтириш мумкин?
Замира, бухгалтер.

Устав фондини кўпайтириш жиҳатлари

— МЧЖ устав фондини унинг миқдори камайтирилгандан кейин исталган пайтда кўпайтириш мумкин.

Яъни жамият унинг иштирокчилари ёки МЧЖга қабул қилинаётган учинчи шахсларнинг қўшимча ҳиссалари ҳисобига УФ миқдорини кўпайтиришга ҳақли.

Фақат жамият мол-мулки ҳисобига УФни кўпайтиришнинг қуйидаги хусусиятини инобатга олиш лозим. Унинг аввалги камайтирилиши жамият соф активлари қиймати унинг УФдан кам бўлиб чиққанлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Жамият унинг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдоргача уни камайтирган бўлади.

Иштирокчилар жамият мол-мулки ҳисобига УФни кўпайтиришга қарор қилсалар, у кўпайтириладиган сумма соф активлар қиймати билан УФ ҳамда жамият резерв фонди суммаси ўртасидаги фарқдан ошмаслиги зарур. Яъни соф активлар қиймати УФ қийматидан, агар резерв фонди бўлса, уларнинг суммар қийматидан ошиши керак.

УФни жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси). Шу тариқа, УФ камайтирилган йил тугагунча жамиятда уни кўпайтириш учун асос йўқ.

Қўшма корхона хорижий корхонага айланди

2008 йилда рўйхатдан ўтказилган МЧЖ муассислари хорижий фуқаро (50%) ва Ўзбекистон фуқароси (50%) ҳисобланади. Ўзбекистон фуқароси Россия фуқаролигини расмийлаштирмоқда.

Хужжатлар қай тартибда қайта расмийлаштирилади? Муассислари фақат хорижий фуқаролар бўлган МЧЖ фаолият юрита оладими? Хорижий фуқарони жалб этишга рухсатнома расмийлаштириш ва унга меҳнат фаолияти билан шугулланиши учун лицензия олиш зарурми?

Ф.Шакурова, бош бухгалтер.

— Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий фуқаролар МЧЖнинг иштирокчилари бўлишлари мумкин («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси). Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муассислари хорижий фуқаролар бўлган МЧЖ ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатларидаги маълумотларга киритилган ўзгаришлар (қўшимчалар) мажбурий қайта рўйхатдан ўтказилган (Низомнинг 21-банди, ВМнинг

9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова). Таъсис ҳужжатларининг ҳозирги намунавий шаклларида таъсисчилар — жисмоний шахсларнинг паспорт маълумотлари кўрсатилмайдди. Бироқ таъсис ҳужжатларининг бундай маълумотлар кўрсатилган бўлса, ўзгаришлар иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб 30 кун ичида қайта рўйхатдан ўтишингизга тўғри келади.

Юридик шахс Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон кўришда ҳам, юридик шахс жойлашган жойдаги «Ягона дарча»

марказига ўзи келиб ҳам қайта рўйхатдан ўтказилиши мумкин (Низомнинг 30-банди).

Муассис — хорижий фуқаро МЧЖда ишласа ва энди ЎзРда доимий пропискага эга бўлмаса (яшаш гувоҳномасини расмийлаштирмаган бўлса), рухсат берувчи ҳужжатларни олиш лозим (Қоидаларнинг 3-бўлими, ВМнинг 21.11.1996 йилдаги 408-сон қарорига 2-илова). Бу ҳолда МЧЖ ўзи учун хорижий ишчи кучини жалб этишга рухсатнома расмийлаштириши, ходим учун эса меҳнат фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига тасдиқнома (лицензия) олиши зарур.

Лайло Ашурова, «Norma Online» эксперти.

Анкета — шахсий тафсилотларсиз

Меҳнат шартномасини тузаётганда ходимдан кадрлар бўлими томонидан тузилган, пропискиси, ёши, миллати, шахсий автотранспорт бонлиги ҳақидаги маълумотлар, спиртли ичимликларга муносабати ва ҳ.к. кўрсатиладиган анкетани тўлдиришни талаб қилиш мумкинми?

М.Н.

— Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида меҳнат шартномасини тузиш чоғида ходимдан қандайдир тестлардан ўтиш ёки анкеталарни тўлдиришни талаб қилиш ҳақида сўз юритилмаган (МКнинг 80-моддаси). Шу сабабли ходимга анкета тўлдиришни таклиф этиш тақиқланмаган.

Бироқ анкеталарни тузиш чоғида Конституциянинг 27-моддаси нормаларини ёддан чиқармаслик лозим, унга мувофиқ ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралаштидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Шу сабабли иш қидираётган шахс унинг назарида одобсиз бўлган саволларга жавоб беришдан бош тортиши ҳам мумкин. Бу унинг ҳуқуқи, бунинг учун уни жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Соғлиғи ҳолатига кўра — енгилроқ иш

Соғлиғи ҳолатига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилаётганда унга ушбу ташкилотдаги бошқа ишни таклиф қилишлари керакми?

Р.Р.

— Ҳа, ташкилотда бундай иш бўлса, иш берувчи ходимга бошқа ишни таклиф қилиши керак.

Соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт.

Камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда шундай ишга ўтказилган кундан бошлаб 2 ҳафта мобайнида ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади (МКнинг 218-моддаси).

Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортганда ёки корхонада тегишли иш бўлмаганда меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Қандай қилиб дам олиш кунини ишга қабул қилиш мумкин

Ташкилот дам олиш кунини ишлаган бўлса, ишга қабул қилганлик тўғрисидаги буйруқ санасини шу кун билан қайд этиш мумкинми?

Н.М.

— Одатда, дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади (МКнинг 130-моддаси).

Бироқ қуйидаги иш турларини амалга оширувчи ташкилотларнинг дам олиш кунлари ишлашига йўл қўйлади:

➤ ишлаб чиқариш-техника шароитлари ва бошқа шароитларга (узлуксиз ишлайдиган корхоналар, объектларни қуриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кабиларга) кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда;

➤ аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида.

Шу тариқа, ташкилот (шу жумладан бундай буйруқларни тайёрлаш зиммасига юклатилган ташкилот

КАДРЛАР БЎЛИМИ

бўлимаси, шунингдек иш берувчи) юқорида санаб ўтилган ишлардан биронтасини дам олиш кунини амалга оширган бўлса (табиийки, лозим даражада расмийлаштириб), бу ҳолда шу кунларда ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш мумкин (МКнинг 82, 83-моддалари).

Икки томоннинг розилиги билан ишдан бўшатиш

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги қелишувда узоқ муддатни (масалан, 3 ойни) кўрсатиб, ўшандан кейин меҳнат муносабатлари бекор қилинишини кўрсатишимиз мумкинми?

Ф.Р.

— Ҳа, шундай қилиш мумкин.

МКнинг 97-моддаси 1-бандида назарда тутилган асос ходим билан иш берувчи ўртасида эришилган қелишувга кўра номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ва муддатли меҳнат шартномасини исталган пайтда бекор қилиш имконини беради. Меҳнат шартномаси тарафлар қелишувда қайд этган шартларда ва муддатда бекор қилинади. Бекор қилиш қонунийлигининг асосий шартини — бунга ходим ва иш берувчининг ўзаро розилиги.

Қонун ҳужжатларида меҳнат муносабатларини бекор қилишнинг энг кам ва энг кўп муддатлари белгиланмаган. Яъни шартнома тарафлари хоҳ бир кундан кейин, хоҳ ярим йил ўтгач уни бекор қилиш тўғрисида қелишувга эришишлари мумкин.

Ушбу асоснинг кўрсатиб ўтилган хусусиятлари принципал муҳим амалий аҳамиятга эга, унда ходим ҳам, иш берувчи ҳам манфаатдор.

Шахсий автомобиль корхона хизматида

Ишчи-ходимларни ишга олиб келиш ва олиб бориш учун ходимнинг шахсий автомобилдан ижара шартномаси асосида фойдаланиш мумкинми? Ижара шартномасининг корхона билан ходим ўртасида имзоланиши етарлими ёки бу операция бошқа бирор назорат қилувчи ташкилотдан рўйхатдан ўтказилиши ҳам керакми?

Аъзамхон Парсаев,
иқтисодчи.

— Ҳа, корхонангиз ходимнинг автомобилдан фойдаланиш учун ижара шартномасини тузиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги автототранспорт воситаларининг ижара шартномаси нотариал тасдиқланиши керак (Фуқаролик кодексининг 565-моддаси 2-қисми).

Агар корхона автомобилни ижарага олиб, йўловчилар ҳамда юклари шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича тижорат асосида ташиш фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлса, бундай **фаолият лицензияланиши керак** (14.07.2006 йилдаги 138-сон ВМҚга 1-иловланинг 2-банди).

Бундан ташқари, корхона томонидан ходим автомобилдан фойдаланиш бўйича муносабатлар бошқача тарзда расмийлаштирилиши ҳам мумкин.



Бунда ижара шартномаси тузилмасдан, иш берувчи ҳамда ходим ўртасида ходимнинг шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланиш тўғрисида келишув имзоланади.

Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун қилинган харажатлар, шунингдек асбобларнинг, техник воситаларнинг ёки ўзга мол-мулкнинг амортизацияси иш берувчи ҳисобидан тўланиши лозим (Меҳнат кодексининг 173-моддаси).

Ходим ўз шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида (хизмат сафарларида ташқари) фойдаланса, ходимга компенсация тўланади (2.04.1999 йилдаги 154-сон ВМҚга 3-илова, кейинги ўринларда – Тартиб).

Ходимнинг ўз автотранспорт воситасидан хизмат мақсадларида фойдаланганлиги бўйича харажатларини қоплаш тўғрисида иш берувчи қуйида келтирилган намуна бўйича буйруқ чиқаради.

(корхона номи)

БУЙРУҚ

Тошкент ш. _____-сон 20__ йил «__» _____

«Ходимнинг ўз автотранспорт воситасидан хизмат мақсадларида фойдаланганлиги бўйича харажатларни қоплаш тўғрисида»

Комилев Ўткир Исаевич шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланганлиги муносабати билан

БУЮРАМАН:

1. Ў.И. Комилева харажатларини тўлашнинг қуйидаги миқдорлари белгилансин:

ёнилти сотиб олиш учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг _____ миқдорида;

мой алмаштириш бўйича ҳар ойда энг кам иш ҳақининг _____ миқдорида;

даврий техник кўриқлардан ўтказиш бўйича _____ миқдорида.

2. Бухгалтерия қилинган харажатлар ҳужжатли тасдиқланганда мазкур буйруққа биноан пул маблағларини ҳисоблашни ва тўлашни амалга оширсин.

Корхона раҳбари: _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

М.Ў. (муҳр бўлган тақдирда)

Буйруқ билан танишдим: _____ (ходим имзоси) _____ (ходимнинг Ф.И.О.)

1. Мен ҳозирда «ХХХ» номи билан сумка ишлаб чиқаряпман. Шу номи товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

2. Рўйхатдан ўтказилган товар белгиси фақат Ўзбекистон учун амал қиладими ёки халқаро миқёсда эътироф этиладими?

Анна,
иқтисодчи.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказмоқчиман

1 Ўзбекистонда товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир муносабатлар «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» Қонун (30.08.2001 йилдаги 267-II-сон, кейинги ўринларда – Қонун) ҳамда Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва қўриб чиқиш қоидаларига (рўйхат рақами 1988, 29.07.2009 й., кейинги ўринларда – Қоидалар) асосан тартибга солинади.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) мурожаат қилишингиз керак бўлади (Қонуннинг 7-моддаси). Бунда Агентликка тегишли талабнома топширилади (Қонуннинг 8-моддаси). Қоидаларнинг 1-илласига мувофиқ шаклда тўлдирилмаган талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

а) товар белгиси сифатида белгини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берувчининг унинг жойлашган жойи ёки яшаш манзили кўрсатилган аризаси;

б) талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;

в) белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва (ёки) хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гуруҳланган, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш

сўралаётган товарларнинг рўйхати (Қоидаларнинг 6-банди).

Ўзбек ёки рус тилида Агентликка берилган талабномада товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ва талабномани топшириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлса, талабнома келиб тушиш санаси кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинади (Қоидаларнинг 75-банди).

Товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли реестрда рўйхатга олинганидан кейин 10 кун ичида Агентлик томонидан берилди. Товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан 10 йил мобайнида амал қиладди (Қонуннинг 20–21-моддалари).

2 Товар белгиси халқаро миқёсда ҳуқуқий муҳофаза қилиниши учун у Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Халқаро бюросида 27.06.1989 йилдаги Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид би-

тимига доир Баённомага мувофиқ рўйхатдан ўтказилади. 18.07.2006 йилдаги ЎРҚ-40-сон Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Баённома иштирокчиси ҳисобланади.

Жамолiddин Ваккасов, «Norma Online» эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Шаҳар марказидаги нотурар жой офис учун ижарага топширилади, мебели билан. Т. (+99890) 956-44-35.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул копиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
мурожаат қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МФКнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 185. Қўғоқ бичими – А3. Ҳажми – 2 боёма таёқ. Баҳоли келтирилган нархда.
Бюджетта г-1292. Адади 1 070. Газета 2017 йил 4 декабрь соат 14.50 да топширилди.

1 2 3 4 5